

Иш ҳолатларининг тўлиқ аниқланмаганлиги ҳамда ҳал қилув қарорини ижро қилиш маълум шартларнинг келиб чиқиши ёки келиб чиқмаслигига боғлиқ қилиб қўйилганлиги суд қарорининг бекор қилинишига асос бўлади.

Даъвогар Х.Қодирова ва О.Ахроровлар жавобгар Т.Ҳақимовга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, олди-сотди битимини ҳақиқий деб топишни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2010 йил 19 майдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво рад этилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясининг 2010 йил 15 июлдаги ажрими билан суднинг ҳал қилув қарори бекор қилиниб, янги ҳал қилув қарори билан 2009 йилда Т.Ҳақимов ва Х.Қодирова ўртасида тузилган уй олди-сотди битими ҳақиқий деб топилган. Х.Қодирова ва О.Ахроровлардан Т.Ҳақимовнинг фойдасига уй-жой учун тўланмай қолган 240.087.000 сўмни ундириш белгиланган.

Х.Қодирова ва О.Ахроровдан Т.Ҳақимовнинг фойдасига уй-жой учун тўланмай қолган 240.087.000 сўм ундирилгандан сўнг, Самарқанд тумани ер тузиш ва кўчмас мулк давлат кадастри унитар корхонаси зиммасига уй-жойни Х.Қодированинг номига давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, низоли уй-жой жавобгар Т.Ҳақимовга 2006 йил 18 июлдаги нотариал тасдиқланган олди-сотди шартномасига асосан тегишли.

Маҳалла фуқаролар йиғинининг 2010 йил 6 январдаги 609-сонли маълумотномасида, даъвогар О.Ахроров низоли уй-жойда 2009 йилдан оила аъзолари билан яшаб келаётганлиги қайд этилган.

2009 йил 25 сентябрда маҳалла фуқаролар йиғини раиси, аъзолари, даъвогарлар Х.Қодирова ва О.Ахроров, жавобгар Т.Ҳакимов ва опаси М.Қосимова иштирокида Т.Ҳакимов низоли уй-жойини холаси Х.Қодировага сотганлиги, бошида 57.000.000 сўм олганлиги, қолган 171.000.000 сўмини эса 1 ойдан кейин бериши керак бўлганлиги ҳақида далолатнома тузилган.

Биринчи инстанция суди мажлисида Т.Ҳакимовнинг турмуш ўртоғи Р.Ҳакимова ўз кўргазмасида низоли уй-жойнинг оғзаки сотилганлигидан хабари йўқлиги, уй-жойни сотишга норози эканлигини билдирган.

Апелляция инстанцияси суди оғзаки тузилган битимни ҳақиқий деб топишда ушбу қарорнинг қабул қилинишига асос бўлган ҳужжатлар, низоли уй-жойнинг Т.Ҳакимовга тегишлилигини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиб олмаган.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги «Суд амалиётида битимларни тартибга солувчи қонунчилик нормаларини татбиқ қилишда вужудга келадиган айрим масалалар тўғрисида»ги 17-сонли қарори 4-бандига кўра, Фуқаролик кодексининг 112-моддасига мувофиқ, битимнинг қисман ёки тўлиқ бажарилганлиги ҳақидаги ёзма далиллар мавжуд бўлганда ёхуд жавобгар томонидан битим тузилганлиги тан олинганда судлар қонунда нотариал тасдиқланиши ёки давлат рўйхатидан ўтказилиши талаб қилинадиган битимларни ҳақиқий деб топишлари мумкин.

Апелляция инстанцияси суди даъвони қаноатлантиришда битимнинг қисман ёки тўлиқ бажарилганлиги ҳақида ёзма далиллар мавжудлиги ёки йўқлиги, битим тан олинганлиги ёки олинмаганлигини аниқламаган, маҳалла фуқаролар йиғини раиси,

аъзолари, даъвогарлар Х.Қодирова ва О.Ахроров, жавобгар Т.Ҳакимов ва опаси М.Қосимова иштирокида 2009 йил 25 сентябрда тузилган далолатноманинг тарафлар ўртасида тузилган битим деб топилишини асослантирмаган.

Бундан ташқари суд уй-жой учун тўланмай қолган пул ундирилгандан сўнг, уй-жойни Х.Қодированинг номига давлат рўйхатидан ўтказишни белгилаб, шартли қарор қабул қилган.

Ваҳоланки, Олий суд Пленумининг 1998 йил 17 апрелдаги «Суднинг ҳал қилув қарори ҳақида»ги 13-сонли қарорининг 11-бандига кўра, ҳал қилув қарорини ижро қилиш маълум шартларнинг келиб чиқиши ёки келиб чиқмаслигига боғлиқ қилиб қўядиган бўлса, бундай ҳал қилув қарорини чиқаришга йўл қўйилмайди.

Баён қилинганларга асосан, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2010 йил 22 ноябрдаги ажрими билан вилоят суди апелляция инстанциясининг ажрими бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун шу инстанция судига юборилган.

ФСХ-445-10-сонли ажрим

